9 АПР 1985

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 78 (19.154). ● 1985 йил 2 апрель, сешанба ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг яқинлашиб келаётган 40 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети бир қанча қарорлар қабул қилиб, бу қарорларда уруш қатнашчилари учун ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун қуйидаги қўшимча имтиёз ва афзалликлар берилади.

1. Ҳаракатдаги армия қисмларида хизмат қилган (ишлаган) ҳарбий хизматчилар ва эркин ёлланган состав кишилари ҳамда партизанлар орасидаги Улуғ Ватан урушининг ҳамма қатнашчиларига врачларнинг рецептларига мувофиқ дорилар сотиб олиш қийматининг 50 процентини чегирилади, уларга умумий касаллик, меҳнатда майиб бўлиш ва бошқа сабаблар оқибатида инвалид деб топилган кишиларга дори-дармонни бепул олиш ҳамда уй-жой ва коммунал хизматлари ҳақини 50 процент чегириш юзасидан имтиёзлар уруш инвалидлари учун белгиланган ҳуқуқ берилади.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари:

1983 йилнинг 1 январигача ёки шундан кейин ишлагани ёки ишламаганидан қатъи назар, зарур узлуксиз ёки умумий иш стажи етарли бўлган уруш қатнашчилари бир корхона, муассаса, ташкилотдаги узлуксиз иш стажи учун қарилик пенсиясига 20 процент устама олиш;

ҳамма турдаги алоқа хизматидан навбатсиз фойдаланиш ва квартирага навбатдан ташқари телефон қурдириш ҳуқуқига. Ватан урушининг инвалидлари эса шунингдек мана шундай телефонларни бепул қурдириш ҳуқуқига;

боғдорчилик уюшмаларининг аъзолари боғ уйчаларини сотиб олиш ёки қуриш ва боғ участкаларини ободонлаштириш учун процентсиз ссуда олиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

II. Офицерлар составидаги, прапоршчиклар, мичманлар ва муддатидан ташқари хизматдаги ҳарбий хизматчилар орасидан бўлган I группа Ватан уруши инвалидларига парвариш қилганлик учун пенсияга ойига 50 сўм миқдорида устама белгиланади, муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар орасидан бўлган уруш инвалидларига эса бундай пенсиялар ойига 30 сўм миқдорида оширилади. Ҳарбий хизматчилар орасидаги II группа уруш инвалидларига пенсия (шу жумладан, қарилик пенсияси) ойига 20 сўм миқдорида оширилади. Шу билан бирга пенсияга тўланадиган устама ва пенсияларнинг оширилиши мазкур ҳолларда пенсияларнинг белгиланган максимал миқдорларидан ташқари ёзилиши мумкин.

Айрим категориядаги ҳарбий хизматчиларнинг — офицерлар состави, прапоршчиклар, мичманлар, муддатидан ташқари хизматдаги ҳарбий хизматчилар ва СССР Ички ишлар министрлигининг бошлиқлари состави орасидан бўлган уруш қатнашчиларига белгили муддат хизмат қилгани учун тайинланадиган пенсиялар миқдори ҳам кўпайтирилади.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, министрликлар, идораларга, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган Улуғ Ватан уруши инвалидларини, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини ва белгиланган тартибда уларга тенглаштирилган кишиларни яқин икки йил мобайнида уй-жой билан таъминлаш чораларини кўриш топширилди.

III. СССРни ҳимоя қилиш чоғида ёки бошқа ҳарбий хизмат вазифаларини ўташ пайтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг марказий системага уланмаган уйларда истиқомат қилувчи оилаларига ёқилғи қийматининг 50 процентини чегирилади.

СССРни ҳимоя қилиш чоғида ёки бошқа ҳарбий хизмат вазифаларини ўташ пайтида яралар, контузия ёки майиб бўлиш оқибатида ёҳуд фронтда бўлиш билан боғланган касаллик оқибатида вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг боқувчисидан жудо бўлган оилаларига бериладиган пенсияларнинг минимал миқдорлари оширилади. Мазкур ҳарбий хизматчилар аъзо бўлган хўжаликлар қишлоқ хўжалик солиғи тўлашдан батамом озод қилинади.

Ватан урушининг вафот этган инвалидлари хотинларига уй-жой ва коммунал хизмат ҳақини тўлашда уруш инвалидлари учун амалдаги қонунларда белгиланган имтиёзлар сақлаб қолинади.

I группа Ватан уруши инвалидларини парвариш қилаётган кишиларнинг инвалидларни ҳақиқий парвариш қилиш билан ўтган вақти, улар инвалиднинг оила аъзолари эканлигидан ёки аъзоси эмаслигидан қатъи назар, уларнинг меҳнат стажига қўшиб ёзилади.

Ватан уруши инвалидларига ва баъзи категориядаги ҳарбий хизматчиларга медицина хизматини янада яхшилаш тадбирлари кўзда тутилди.

IV. Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг ва учала даража Шуҳрат ордени билан мукофотланган кишиларнинг социалистик Ватанни ҳимоя қилишдаги катта хизматларини тақдирлаб уларга қуйидаги қўшимча имтиёзлар берилади:

иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсиялар ойига камида 150 сўм миқдорида белгиланади;

ишловчи пенсионерларнинг пенсиялари, олаётган иш ҳақидан қатъи назар тўла ҳажмда тўланади;

20 квадрат метргача миқдорда қўшимча уй-жой майдони олиш, шунингдек коммунал хизматлар (сув таъминоти, газ, электр ва иссиқлик энергияси) учун белгиланган ҳақнинг 50 проценти миқдорида чегириш, марказий иситиш системасига уланмаган уйларда яшовчилар учун ёқилғи қийматини ҳам 50 процент миқдорида чегириш ҳуқуқи берилади;

Улар ҳамма турдаги солиқларни тўлашдан озод қилинади.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари зиммасига Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва учала даража Шуҳрат ордени билан мукофотланган кишилар тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш, қонунларда белгиланган имтиёз ва афзалликларнинг берилишини қатъий назорат қилиб туриш, уларнинг моддий-маиший шароитларини янада яхшилаш чораларини кўриш мажбуриятини юклади.

КОММУНИСТ МАКТУБИ

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

ҲАР БИР ИШ ЖОЙИДА ПУХТА, ЮКСАК ОНГЛИ ИНТИЗОМ ЎРНАТАЙЛИК

Социалистик меҳнат интизоми—ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилишдангина иборат бўлиб қолмай, шу билан бирга ўз ишига нисбатан онгли ижодий муносабатда бўлишдан, ишнинг юксак сифатини таъминлашдан, иш вақтидан унумли фойдаланишдан ҳам иборатдир.

(КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлашга доир ишларни кучайтириш тўғрисида»ги қароридан).



Авторни таништирамиз: Муҳаммад Ражабович Ғадоев — «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси аммиак селитраси ишлаб чиқариши 3-цехининг слесари. 10-синфни тугатгач, Бухоро шаҳридаги ёғ-экстракциялаш заводида, «Сельхозтехника»нинг Вобкент район устахонасида слесарь бўлиб ишлади. 1960-1964 йиллари Новосибирск областидаги заводлардан бирида слесарлик қилди. 1964 йил ноябрь ойидан буён «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилиб келаётир.

1964 йилдан КПСС аъзоси, III даража Меҳнат Шуҳрати ордени нишондори, сиёсий ахборотчи, мураббий.

ЗАБАРДАСТ ўн биринчи беш йилликнинг топшириқларини қандай бажарганлигимиз ҳақида партия ва халқ олдида ҳадемай ҳисоб берамиз. Ҳозир ҳар биримизнинг дилимизда келгуси беш йилликка пухта замин яратиш ва КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш истаги туғён уряпти. Шу сабабдан ҳам бугун **биз ўз ишимизни, коллективларимиздаги ҳозирги аҳволни беш йиллик, қолаверса шу йил бошида қабул қилган юксак мажбуриятларимиз нуқтаи назаридан таҳлил қилиб чиқишимиз, бундан буён бажарилиши лозим бўлган ишларни муваффақият билан амалга ошириш йўлларини аниқ белгилаб олишимиз керак.** КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил 11 мартда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми биздан шуни талаб қилмоқда. Биз бугун резервларимизни нечоғли тўла ишга солаётганлигимизни талабчанлик билан қараб чиқмоғимиз даркор.

Афсуски, ҳамиша ҳам уларни ишга солиш ҳақида етарли қайғурмаяпмиз. Узоққа бормай кўя қолайлик. Масалан, ўтган йили корхонамизда меҳнат унумдорлигини пландан ташқари ортиқча яна бир процент ошириш учун меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтидан оқилона, юксак унум билан фойдаланиш тўғрисида гап юритилмаган бирон йиғилиш, бюро мажлиси, кенгаш бўлмади. Ўшанда яхши-яхши қарорлар қабул қилинди, тадбирлар белгиланди. Лекин асосий вазифа бажарилмади. Меҳнат унумдорлиги бор-йўғи 0,45 процент кўтарилди, холос.

Хўш, нега шундай бўлди? **Назаримда биз яхши қарорлар қабул қилишга ўрганганмиз-у, уларнинг амалдаги ижросини таъминлашга келганда оқсаб қоляпмиз, собиқдамлик ва масъулият етишмаётир.** Яна бир масала бор. Муҳим тадбирлар белгиланаётганида у ёки бу участкадаги аҳвол теран таҳлил этилмайди. Натижада вазифалар аниқ белгиланмайди, умумий, юзаки чақириқларга зўр берилади.

Агар ҳар биримиз ўз участкамизда белгиланганидан кўра салгина бўлса-да ортиқроқ жон куйдириб ишласак, озгина бўлса-да ортиқча маҳсулот ишлаб чиқара олсак нечоғли катта иш қилган бўлардик. Ўйлаб кўринг: коллективимизда 10 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Бир ишчи ўз сменасида мўлжалдагидан бир килограмм кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарса, шу сменадаги натижа 10 минг тонна баракалироқ бўлади. Айтайлик, меҳнат унумдорлигини бир процент ошириш 2,3 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Шаҳар, область, республика, мамлакат миқёсида-чи?

Тартиб-интизомга қатъий риоя қилиш ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишдаги бош резервимиз ҳисобланишининг боиси мана шунда. Корхоналар ўртасидаги шартнома мажбуриятларининг бажарилишидан тортиб, то ишга ўз вақтида келишгача бўлган барча жиҳатларда айрим-айрим меҳнатчининг, бутун-бутун коллективларнинг ўз вазифасига, бурчига муносабати намоён бўлади.

Бир тасаввур қилиб кўринг. Экинларни айни минерал ўғитлар билан озиқлантириш сув билан ҳаводек зарур бир пайтда айрим цехларда иш тўхтаб қолади. Бир-икки кун эмас, икки-уч ҳафта тўхтайди. Бунинг сабаби шундаки, йирик бир корхона хом ашё билан узлуксиз таъминланмайди. Хом ашё етказиб берувчилар турли важ-баҳоналар билан ёки бошқа республикада жойлашганлиги, бошқа министрликка қарашли эканлиги учун оппа-осон қутулиб қолаверишади. Лекин ҳамма гап корхонамиз атрофида айланаверади. Чунончи ўтган йили Саратовдаги «Нитрон» ишлаб чиқариш бирлашмаси икки ярим ой давомида зарур хом ашёни етказиб бермади. Натижада корхонамиздаги тегишли қувватларнинг фақат ярмидан фойдаланилди. Хом ашёнинг етишмаслиги ишимизга салбий таъсир кўрсатди, бошқа корхоналарнинг иш графигини ҳам издан чиқарди. Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ишга салбий таъсир кўрсатганига онд мисолларни яна келтириш мумкин.

Ўз-ўзидан шундай савол туғилади: план интизомини бузаётган корхоналарда ҳам партия ташкилотлари бор, уларда ҳам кўплаб коммунистлар ишлашади-ку, ахир. Партия Устави, қарорлари ҳаммамиз учун баробар эмасми?! Нега улар план топшириқларини, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини вақтида бажаришмайди?

Менинг фикримча, **коммунистлар чинакам ишбоши бўлган, уларнинг авангардлик роли оширилган, ҳар бир киши меҳнат интизомига қатъий риоя қилган жойда камчиликлар бўлмайди.** Бунга далил тариқасида ўз цехимиздан бир мисол келтирмоқчиман. Бу ишга, бурчга юксак онгли, коммунистик муносабатнинг намунасидир. Катта аппаратчи Лидия Жолудева коллективимизда кўп йиллардан буён меҳнат қилади. У — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Навоий область партия комитетининг бюро аъзоси. Лидия Михайловнанинг бир фазилати мени ҳамиша мафтун этиб келади. У жамоат ишларида актив иштирок этиши билан бирга, топширилган участкадаги масъулиятли вазифани ҳамиша аъло даражада бажаради. Баъзан ғоят муҳим йиғилишда иштирок этиш иш вақтига тўғри келиб қолса, ҳамкасбларига алмаштириб, улар ўрнига кейинги сменада қолиб ишлаб беради. Хуллас, унинг актив ижтимоий фаоллияти асло асосий ишни бажаришда енгиллик туғдирган эмас. Шу билан бирга Лидия Жолудева ҳамиша камтарин, самимий, коллектив обрўси учун жон куйдиради. Шунинг учун ҳаммамиз ҳурмат қиламиз, ундан ўрнак оламиз.

Лекин қўл учида ишлайдиган, бошқалар соясида бамайлихотир юрадиган одамлар ҳам бўлади. Коммунистлардан Б. Ҳайитов, С. Семёновлар мана шундай кишилар чиқиб қолишди. Улар коммунист номига, ишчи шарафига доғ туширишди. Ёки айрим коммунистлар хушёрхонага тушаётганлигини, «майда-чуйда» нарсаларни кўтариб кетишни одат қилиб олганлигини, меҳнат интизомини мунтазам бузиб келаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? Сафимизда айни пайтда ҳам бундай коммунистлар йўқ эмас. Афсуски, биз кўпинча тартибга чақириш, огоҳлантириш билан чекланамиз. Фақат тартиббузарлар огоҳлантирувчи ҳамма чизиқларни босиб ўтганидан кейингина амалий чора кўришни ўйлаб қоламиз. Лекин бу пайтда вақт ўтган бўлади.

ИШЛАБ чиқариш самарадорлигига тўсқинлик қилаётган прогул, интизомни бузиш ҳолларига қарши қатъий кураш олиб боришимиз зарур. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлашга доир ишларни кучайтириш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, прогул қилиш ва тартибни бошқача бузиш ҳоллари меҳнат коллективларида — бригадалар, участкалар, фермалар, цехларнинг йиғилишларида муҳокама қилиниши, бундай шахсларни амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалалар маъмурият олдига қўйилиши керак. Коммунистларнинг ўзлари биринчи навбатда меҳнат интизомига тўла амал қилишлари, кейин атрофдаги кишилардан бунга риоя қилишни қатъий талаб этишлари зарур. Ҳозирги пайтда ҳамма ерда ҳам шундай бўляптими? Айрим вақтда икки-уч соатлаб бекор турилади. Ремонт қилиниши лозим бўлган ускуналар ҳафталаб қантариб қўйилади. Лекин шу атрофда ишлаётган коммунистлар, комсомоллар эса бундай фактларга бефарқ қарашади. Хўш, уларнинг партиявий, гражданлик виждони қандай сукут сақлайди? Бу фактлар нега ишчи йиғилишларида, партия йиғилишларида юзхотир қилмай, ғоят талабчанлик билан қараб чиқилмайди?

Умуман олганда, бирлашмамиз ўн биринчи беш йилликни ёмон якунлаётгани йўқ. Маҳсулот ҳажми кўпаймоқда. Аммо эришилаётган ютуқлар шахсан ўзимни, қолаверса, бошқа ҳамкасбларимни тўла қаноатлантирмайди. Негаки, бирлашмамиз беш йилликнинг ўтган тўрт йилига мўлжалланган контрол топшириқларидан 6 миллион сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарди. Тўғри, бунинг бир қатор сабаблари бор. Лекин коллективимиз аъзоларининг ўз ишига муносабати, юксак онгли интизоми аслини олганда, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришимизга қанот бўлиши мумкин эди-ку. Шундай вазиятда бошланғич партия ташкилоти уюшқоқликни таъминлаши, айниқса коммунистларнинг авангардлик намуналарини кўрсатиб ишлашларига эришмоғи лозим эди.

Бизнинг жуда катта резервимиз бор. Бу — йўқотилаётган, самарасиз ўтаётган иш вақтидир. Тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, кадрлар малакасини ошириш, ускуналардан оқилона фойдаланиш бу резервни тўла ҳаракатга келтиришнинг асосий омилларидир. Биз ҳар бир участкада, ҳар бир иш жойида пухта интизом ўрнатмоғимиз, ўз ишимизга юксак онгли муносабатда бўлмоғимиз даркор. Мана шундагина ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаймиз, жонажон партиямизнинг навбатдаги XXVII съездини муносиб, ёруғ юз билан кутиб оламиз.

М. ГАДОЕВ,
«Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари.

М. С. Горбачев Д. Лазар билан учрашди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 1 апрелда ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар билан учрашди. Д. Лазар Венгрия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясига бошчилик қилиб Москвага келган эди.

Сидқидиллик, ўртоқлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида Совет— Венгрия муносабатларининг аҳволига юксак баҳо берилди, КПСС билан ВСИП СССР ва Венгрия халқларининг ҳар томонлама алоқаларини, қардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлашга мутасил интилаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Бунда «Социализм йўлидан бораётган Венгрия» мавзуида Москвада очилган юбилей виставкасининг муҳимлиги қайд этилди. Бу виставка венгер халқи фашизмдан озод қилингандан кейин ўтган 40 йил мобайнида эришган ютуқларни, мамлакатларимизнинг мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлигини ёрқин намойиш этмоқда.

СССР билан ВХР ўртасида 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш узоқ муддатли программаси имзоланганлигидан мамнуният изҳор қилинди. Бу программа иккала мамлакатнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашда ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги Иқтисодий кенгаши қарорларини бажариш соҳасида янги муҳим қадам қўйилганлигини билдирди.

М. С. Горбачев ВСИП XIII съездининг қарорларини бажаришда Венгрия коммунистларига, меҳнаткашларига катта муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ ВА УЛАРНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА СОВЕТ ВА ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети шуни қайд этадики, республика совет ва хўжалик органлари партия ташкилотларининг раҳбарлигида партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X ва XVI пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, аҳолини халқ истеъмоли моллари билан янада тўлароқ таъминлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқдалар.

Ўн биринчи беш йиллик мобайнида бир қатор йирик саноат корхоналари қурилди, янги цех ва участкалар ташкил этилди, харидоргир моллар ишлаб чиқарувчи кўпгина корхоналар реконструкция қилинди ва техника билан қайта қуроллантирилди. Ўтган йили халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳасига қўшимча суръатда халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги 128 саноат корхонаси жалб қилинди.

Кўрилаётган чоралар тўрт йил ичида истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни 28,6 процент ёки топшириққа нисбатан 3 процент кўпайтириш, пландан ташқари қарийб 1 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, аҳолининг кийим-кечак, пойабзал, тўқимачилик галантереяси, хўжалик ва рўзғор буюмларининг кўпгина турларига бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш имконини берди.

Молларнинг ассортименти анча кенгайди ва янгиланди, уларнинг сифати бирмунча яхшиланди. Беш йилликнинг ўтган даврида тикилган ва трикотаж буюмлар, пойабзал, газлама ва бошқа молларнинг 12 мингдан ортиқ янги моделлари, фасон ва структуралари ўзлаштирилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. 1984 йилда 471 миллион сўмлик ёки 1983 йилдагидан 14 миллион сўмлик кўп «Н» индексидаги яхши сифатли янги маҳсулот чиқарилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ССР Олий Совети қайд этадики, Ўзбекистон ССР Енгил, Мебель ва ёғочсозлик, Маҳаллий, Озиқ-овқат, Мевасабзавот хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги ва Ўрмон хўжалиги министрликлари, иттифоққа бўйсунувчи баъзи бирлашмалар ва корхоналар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва сифатини ошириш учун мавжуд резервлардан тўла-тўкис фойдаланмаётирлар, ассортиментни янгилаш ҳамда харидоргир бўлган янги буюмларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ҳал этмаяптилар.

Айрим халқ депутатлари область, шаҳар ва район Советлари зарур молларни ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш, бу ишни мувофиқлаштириш ва контрол қилиш соҳасида ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланмаяптилар, бу масалаларни камдан-кам қараб чиқмоқдалар, кўпинча уларни ҳал қилишга юзаки, расмий ёндашмоқдалар.

Айниқса, саноатнинг тўқимачилик тармоғида ишлаб чиқариш қувватларидан қониқарсиз фойдаланиш фактларига йўл қўйилмоқда, корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш суст амалга оширилмоқда. Кўпгина ҳолларда «Б» группаси тармоқларини ривожлантириш учун ажратилаётган капитал маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаяпти, истеъмол буюмлари чиқаришга мўлжалланган ғайрим объектлар қурилиши асоссиз кечиктириб юборилмоқда.

Кўпгина халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижрокомлари министрлик ва идоралар маблағларни асосан ишлаб чиқариш билан боғлиқ қурилишлар учун ажратаётганликларига тоқат қилиб келмоқдалар, территорияларни комплекс ривожлантириш ҳақида, уй-жойлар, социал-маданий-маиший объектлар барпо этиш, инфраструктурани уйғун ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилмаяптилар.

(Давоми иккинчи бетда).

СОВЕТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Тошкентда район ва шаҳар халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари раисларининг республика семинар-кенгаши бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев кириш нутқи сўзлаб семинарни очди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов социалистик демократияни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳамда халқ депутатлари Советларининг фаолиятини кучайтириш тўғрисида доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Ғ. Ҳ. Қодировнинг доклади КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель ва 1985 йил март Пленумларининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумларининг талаблари асосида маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг иш услуби ва методларини такомиллаштиришга ҳамда уларнинг партия XXVII съездини муносиб кутиб олишга меҳнат коллективларини сафарбар этиш соҳасидаги вазифаларига бағишланди.

Республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. К. Михайлов аҳолига савдо хизмати ва маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи ҳамда уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султоновнинг докладида мактаб ислоҳотини амалга оширишда, маданият муассасаларининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги фаолиятини яхшилашда маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг роли ёритиб берилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланини раиси Қ. А. Аҳмедов план интизомини янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий таълимни яхшилаш борасида республика маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари молиявий интизомни мустаҳкамлашда маҳаллий Советларнинг роли ҳақидаги, республикада социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни такомиллаштириш, халқ хўжалигида ҳуқуқий ишни кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги докладларни ҳам тингладилар. КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленуми қарорлари асосида агросаноат комплексига раҳбарликни, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида маҳаллий Советларнинг вазифалари тўғрисида ҳам докладлар қилинди.

Семинар қатнашчилари халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг иш тажрибасини ўртоқлашдилар.

Семинар ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР Олий Совети Президиумининг масъул ходими В. П. Жданов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари тўғрисида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Советида қуйидаги доимий комиссиялар тузилсин:

Мандат комиссияси
Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияси
Ташқи ишлар комиссияси
План-бюджет комиссияси
Саноат комиссияси
Энергетика комиссияси
Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати комиссияси
Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа комиссияси
Агросаноат комплекси комиссияси
Сув хўжалиги комиссияси
Фан ва техника комиссияси
Халқ маорифи ва маданият комиссияси
Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссияси
Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш комиссияси
Уй-жой-коммунал хўжалиқ комиссияси
Табиатни қўриқлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссияси
Хотин-қизлар меҳнати ва турмуши ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари комиссияси
Ёшлар ишлари бўйича комиссия.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1985 йил 30 март.

МАНДАТ КОМИССИЯСИ

КОМИССИЯ РАИСИ

Жўраева Тамара Қодировна— 365-Темирйўл округидан депутат. Сурхондарё области.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Абдуҳалимов Сафар Йўлдошевич — 222-Ертепа округидан депутат. Қашқадарё области.

Азизова Муяссар Ҳамидовна— 353-Энгельс округидан депутат. Самарқанд области.

Бегматов Усмонали — 424-Олтиариқ округидан депутат. Фарғона области.

Васильева Лидия Андреевна— 305-Акмал Икромов округидан депутат. Самарқанд области.

Воронова Людмила Ивановна— 398-Ширин округидан депутат. Сирдарё области.

Догонкин Пётр Васильевич — 73-Янги ҳаёт округидан депутат. Тошкент области.

Исмоилов Қувондиқ — 493-Мўйноқ округидан депутат. Қорақалпоғистон АССР.

Эшонтўраева Сора — 54-Гагарин округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Каримов Сафар — 200-Ульянов округидан депутат. Жиззах области.

Клеменев Евгений Александрович — 197-Охунбоев округидан депутат. Жиззах области.

Никотина Тамара Николаевна — 412-Қўқон округидан депутат. Фарғона области.

Ницель Наталья Владимировна— 62-Шахтёр округидан депутат. Тошкент области.

Норжигитов Холбой — 331-Жўш округидан депутат. Самарқанд области.

Норматова Ибодат Абдулажоновна — 273-Чуст округидан депутат. Наманган области.

Ражабова Марям Бўриевна— 243-Сандал округидан депутат. Қашқадарё области.

Усмонов Зеври — 159-Хўжаобод округидан депутат. Андижон области.

Халилов Абдусаттор — 279-Тошбулоқ округидан депутат. Наманган области.

Ҳасанова Ўмри — 104-Оржоникидзе округидан депутат. Тошкент области.

Хицук Валентина Александровна— 123-Озод округидан депутат. Андижон области.

Шодиев Муяссар — 329-Каттаминг округидан депутат. Самарқанд области.

Шомуротова Ҳайитгул Қодировна — 489-Коммунистик округидан депутат. Қорақалпоғистон АССР.

Ёқубова Саодатхон — 440-Риштон округидан депутат. Фарғона области.

ҚОНУН ЛОИҲАЛАРИ ТАЙЁРЛАШ КОМИССИЯСИ

КОМИССИЯ РАИСИ

Кадин Александр Гаврилович — 239-Шаҳрисабз қишлоқ округидан депутат. Қашқадарё области.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Остонақулов Эшмўмин — 369-Москва округидан депутат. Сурхондарё области.

Отаниёзова Назира —499-Шўрахон округидан депутат. Қорақалпоғистон АССР.

Отахонов Носиржон — 278-Свердлов округидан депутат. Наманган области.

Аҳмедова Дилором Рустамовна — 452-Миндон округидан депутат. Фарғона области.

Аюпова Мавлуда Комиловна— 148-Марҳамат округидан депутат. Андижон области.

Бакиров Аппаз Есҳўжаевич— 93-Калинин округидан депутат. Тошкент области.

Велиев Энвер — 302-Шаумян округидан депутат. Самарқанд области.

Дадахонов Иброҳим — 140-Комсомолобод округидан депутат. Андижон области.

Жабборова Сожида Абдуғаффоровна — 387-Боёвут округидан депутат. Сирдарё области.

Зинчук Сергей Григорьевич— 14-Урицкий округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Искандаров Мирзағани — 384-Телпакчинор округидан депутат. Сурхондарё области.

Кретов Вячеслав Гаврилович — 35-Собир Раҳимов округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Куценко Леонид Тимофеевич — 498-Тўрткўл қишлоқ округидан депутат. Қорақалпоғистон АССР.

Метинбоев Икром — 442-Сўх округидан депутат. Фарғона области.

Мустанова Ҳолида Алибоевна— 321-Қўнғирот округидан депутат. Самарқанд области.

Нўъмонов Комил (Яшин) — 131-Чинобод округидан депутат. Андижон области.

Раҳмонова Зумрад — 245-Қишлик округидан депутат. Қашқадарё области.

Самиева Сайёра — 346-Каттақўрғонариқ округидан депутат. Самарқанд области.

Усмонов Мамадали — 431-Янгиқўрғон округидан депутат. Фарғона области.

Ҳасанова Марям Ражабовна— 457-Ленинград округидан депутат. Хоразм области.

Цивашов Виктор Алексеевич — 451-Чекшўра округидан депутат. Фарғона области.

Чориева Қирмиз Мардоновна — 372-Октябрь округидан депутат. Сурхондарё области.

ТАШҚИ ИШЛАР КОМИССИЯСИ

КОМИССИЯ РАИСИ

Абдуллаева Раъно Ҳабибовна — 332-Оқтош округидан депутат. Самарқанд области.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Абдураззоқов Баҳодир Аббосович— 80-Зафар округидан депутат. Тошкент области.

Балиманов Жақсилиқ Жабаевич — 254-Томди округидан депутат. Навоий области.

Власов Александр Борисович — 167-Коғон шаҳар округидан депутат. Бухоро области.

Генералов Леонид Евстафьевич — 364-Термиз шаҳар округидан депутат. Сурхондарё области.

Давронова Насиба Саримсоқовна — 297-Бирлашган округидан депутат. Наманган области.

Жакаева Улбика Йўлдошевна— 488-Октябрь округидан депутат. Қорақалпоғистон АССР.

Жўраева Қутби — 82-Искандар округидан депутат. Тошкент области.

Қаюмов Малик — 434-Бешариқ округидан депутат. Фарғона области.

Кўчиев Жавод — 392-Комсомол округидан депутат. Сирдарё области.

Ражапова Ҳалима —105-Пахтаобод округидан депутат. Тошкент области.

Раҳмонов Эркин Абдуллаевич — 456-Педагогика округидан депутат. Хоразм области.

Табибова Лариса Давидовна— 311-Ҳужум округидан депутат. Самарқанд области.

Тошхўжаев Ҳожиакбар — 306-Карл Маркс округидан депутат. Самарқанд области.

Тиллабоев Абдусамат — 137-Пойтуғ округидан депутат. Андижон области.

Тўраев Сайфилло Файзиевич— 185-Ромитан округидан депутат. Бухоро области.

Турғунов Турсунали — 439-Янгиқишлоқ округидан депутат. Фарғона области.

Турсунов Маҳмуд Раҳимович — 414-Ипакчи округидан депутат. Фарғона области.

Умарова Дилором Мажидовна — 23-Первомайский округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Файзиева Мавжуда Жабборовна— 237-Шаҳрисабз шаҳар округидан депутат. Қашқадарё области.

Йўлдошев Абдуваҳоб Абдусаматович — 348-Даштакиболо округидан депутат. Самарқанд области.

Йўлдошев Иброҳим Нурдинович — 143-Дардақ округидан депутат. Андижон области.

Юсупова Онабиби — 474-Огаҳий округидан депутат. Хоразм области.

ПЛАН-БЮДЖЕТ КОМИССИЯСИ

КОМИССИЯ РАИСИ

Антонов Виктор Александрович — 396-Гулистон округидан депутат. Сирдарё области.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Абдуллаева Дариха Есенбоевна — 206-Фориш округидан депутат. Жиззах области.

Азимов Ўткир Очилович — 230-Нишон округидан депутат. Қашқадарё области.

Омонов Фармон — 232-Майманак округидан депутат. Қашқадарё области.

Антонов Вадим Игоревич — 426-Сурхтепа округидан депутат. Фарғона области.

Бекмуродова Ҳурмат — 357-Вободоқ округидан депутат. Сурхондарё области.

Жўраев Тўрашхон — 264-Тўқимачилик округидан депутат. Наманган области.

Иванцов Юрий Евгеньевич — 63-Энергетика округидан депутат. Тошкент области.

Маҳманов Рўзиқул — 257-Янгийўл округидан депутат. Навоий области.

Полтаева Фелюра Аҳмадовна — 10-Шодлик округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Раҳмонбердиев Асқаржон Собирович — 91-Қатортол округидан депутат. Тошкент области.

Рўзимуродова Фароғат Хўжақуловна — 339-Арабхона округидан депутат. Самарқанд области.

Рўзматов Миразиз — 103-Охунбобоев округидан депутат. Тошкент области.

Самойлова Людмила Васильевна — 265-Ленин округидан депутат, Наманган области.

Тошқулов Сергей Тошқулович — 100-Намданак округидан депутат. Тошкент области.

Толстикова Дина Дмитриевна — 44-Тўқимачилик округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Турсунова Марҳабо Аҳмадалиевна — 145-Зарбдор округидан депутат. Андижон области.

Ўрунов Низом Жўраевич — 226-Китоб округидан депутат. Қашқадарё области.

Ҳожимуротов Ҳамиджон— 421-Намуна округидан депутат. Фарғона области.

Ҳайдаров Мақсудали — 432-Бувайда округидан депутат. Фарғона области.

Ҳосилова Гулнора Ҳакимжоновна — 129-Найман округидан депутат. Андижон области.

Ҳусниддинов Иброҳим Камолович — 263-Марказий округидан депутат. Наманган области.

Шержонов Турсунбой — 486-Қипчоқ округидан депутат. Қорақалпоғистон АССР.

Шкрябин Юрий Сергеевич — 168-Транспорт округидан депутат. Бухоро области.

Эгамбердиева Рисқибу — 77-Қорахитой округидан депутат. Тошкент области.

Юсупов Искандар — 468-Питнак округидан депутат. Хоразм области.

Ёқубов Шербой — 139-Избоскан округидан депутат. Андижон области.

САНОАТ КОМИССИЯСИ

КОМИССИЯ РАИСИ

Воеков Александр Сергеевич — 266-Энгельс округидан депутат. Наманган области.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Азларова Маҳбуба Акромовна — 30-Каттабоғ округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Анисимкин Иван Георгиевич — 70-Ленин округидан депутат. Тошкент области.

Дмитриенко Лариса Владимировна — 5-Подмосковная округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Жуманиёзова Оймигул Узоқбергеновна — 503-Ҳўжайли шаҳар округидан депутат. Қорақалпоғистон АССР.

Икматова Орзихон — 72-Янгийўл округидан депутат. Тошкент области.

Икромов Анвар Солиҳович — 12-Киров округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Исмоилов Зайнобиддин— 420-Қува округидан депутат. Фарғона области.

Козимов Нарзулла Алиевич — 340-Чархин округидан депутат. Самарқанд области.

Камолова Мафиза — 310-Даҳбед округидан депутат. Самарқанд области.

Қўққорова Зуҳрахон Мухторовна — 152-Москва округидан депутат. Андижон области.

Лозицкий Валерий Александрович — 210-Марказий округидан депутат. Қашқадарё области.

Лутфуллаев Икромжон Илёсович — 191-Жданов округидан депутат. Жиззах области.

Маҳмудова Шарофат Иброҳимовна — 485-Манғит округидан депутат. Қорақалпоғистон АССР.

Мирқосимов Мираҳмад Мирҳожиевич — 61-Қурилиш округидан депутат. Тошкент области.

Мусин Ирик Харасович— 18-Оржоникидзе округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Нажмиддинов Фазлиддин Насриддинович — 51-Ҳамза округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Петров Анатолий Анатольевич — 262-Учқудуқ округидан депутат. Навоий области.

Содиқова Роҳила Самадовна — 303-Пионер округидан депутат. Самарқанд области.

Саидов Рашид Саидович — 383-Шарғун округидан депутат. Сурхондарё области.

Халилова Мукаррам — 291-Қайқи округидан депутат. Наманган области.

Ҳасанова Лобар Акромовна — 411-Ленин округидан депутат. Фарғона области.

Ҳўжаниёзова Бахтигул Исмоиловна — 465-Охунбоев округидан депутат. Хоразм области.

ЭНЕРГЕТИКА КОМИССИЯСИ

КОМИССИЯ РАИСИ

Асриянц Сурен Арамович — 260-Нурота округидан депутат. Навоий области.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Асатов Убайт — 253-Навбаҳор округидан депутат. Навоий области.

Отажонов Алихон Раҳматович — 174-Газли округидан депутат. Бухоро области.

Боева Муҳаббат Шукуровна— 86-Кўкорол округидан депутат Тошкент области.

Ғаффоров Мустафо — 149-Комсомол округидан депутат. Андижон области.

Қодиров Абдусалом — 275-Гулбоғ округидан депутат. Наманган области.

Мамажонов Мадаминжон Мамадалиевич — 447-Ғаниобод округидан депутат. Фарғона области.

Мелибоев Маҳамаджон — 130-Балиқчи округидан депутат. Андижон области.

Мирзаева Сайёра Султоновна— 153-Ҳақиқат округидан депутат. Андижон области.

Наврўзова Зебо Жумаевна— 177-Галаосиё округидан депутат. Бухоро области.

Поляков Виктор Васильевич— 417-Комсомол округидан депутат. Фарғона области.

Рўзиев Ибодулла Исломович — 341-Зиёдин округидан депутат. Самарқанд области.

Рўзметова Зинанда Ивановна— 69-Химзавод округидан депутат. Тошкент области.

Салимова Мактуба Ёқубовна— 97-Салор округидан депутат. Тошкент области.

Сапаров Пердебой —482-Ленин округидан депутат. Қорақалпоғистон АССР.

Саримсоқов Ғайрат Абдужалилович — 40-Чоштепа округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Стешенко Григорий Порфирьевич — 371-Шўрчи округидан депутат. Сурхондарё области.

Фозилбеков Адҳамбек Иброҳимович — 34-Форобий округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Холиқова Ноила Лутфуллаевна— 16-Куйбишев округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Ҳамроев Исроил Исаевич — 224-Пўлоти округидан депутат. Қашқадарё области.

Хван Ман-Гим Григорьевич— 95-Бордонкўл округидан депутат. Тошкент области.

Худоёрова Ойдин Суяровна— 227-Октябрь округидан депутат. Қашқадарё области.

Шарипова Рўза — 475-Саёт округидан депутат. Хоразм области.

ҚУРИЛИШ ВА БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ КОМИССИЯСИ

КОМИССИЯ РАИСИ

Дудин Краснослав Петрович— 3-Фарҳод округидан депутат. Тошкент шаҳри.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Алихонов Олим — 427-Халқобод округидан депутат. Фарғона области.

Берёзиков Евгений Ефимович — 350-Жом округидан депутат. Самарқанд области.

Деҳқонова Хосият Тиллаевна— 138-Коммуна округидан депутат. Андижон области.

Ислямов Сейран Зияевич — 407-Қурилиш округидан депутат. Фарғона области.

Қаландаров Сотим —466-Қарамон округидан депутат. Хоразм области.

Кўккўзов Ўринбосар — 506-Шуманай округидан депутат. Қорақалпоғистон АССР.

Любимов Виктор Михайлович — 136-Ойим округидан депутат. Андижон области.

Мамадалиева Жамила Жумаевна — 359-Комсомолобод округидан депутат. Сурхондарё области.

Мирзақулов Уммат Маматқулович — 94-Янгибозор округидан депутат. Тошкент области.

Савчук Петр Иванович — 42-Таштекстильмаш округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Семёнов Павел Васильевич— 58-Дўмбиробод округидан депутат. Тошкент шаҳри.

Тошмуҳамедов Темур Анварович — 66-Фарҳод округидан депутат. Тошкент области.

Тошев Хурсанд — 199-Дўстлик округидан депутат. Жиззах области.

Ўртоқ Воҳид **Мамажоновни** Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 31 январь Фармони;

Аминжон Жабборович **Ишметов,** Амрилло **Раҳмонов** ва Машкура **Сафоева** ўртоқларни Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзолари қилиб сайлаш тўғрисидаги 1985 йил 16 февраль Фармони;

Ўртоқ Аполинария Леонидовна **Горенкована** Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 16 февраль Фармони;

Раҳимжон **Абдулҳасанов,** Аҳрор Охунжонович **Қодиров,** Абдуқодир **Сарабеков** ва Тожихон **Шамшиева** ўртоқларни Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзолари қилиб сайлаш тўғрисидаги 1985 йил 28 февраль Фармони;

Маҳмуджон **Қуронов,** Йўлдош Ҳусанович **Насимов** ва Қозоқжон **Солиев** ўртоқларни Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзолари вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 28 февраль Фармони;

Ўртоқ Каримхон **Носировни** Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 18 март Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККЎЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1985 йил 30 март.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА СОВЕТ ВА ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ДОКЛАД ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат Т. А. АЛИМОВ нутқи

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, уларнинг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондириш, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш ҳамиша Ленин партияси ва Совет давлатининг энг муҳим вазифаси бўлиб келди. Республикамизда бу вазифани ҳал этиш йўллари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида кўриб чиқилди. Ҳар бир ходимнинг топширилган иш учун масъулиятини, талабчанликни кучайтириш, ишда ленинча услубни қарор топтириш — муҳим вазифадир.

Областдаги халқ депутатлари Советлари партиянинг меҳнаткашларнинг кундалик эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ҳақидаги йўл-йўриқларини бажариш учун хўжалик раҳбарларининг масъулиятини оширишга тобора катта таъсир кўрсатмоқдалар. Ишлаб чиқаришни бошқаришни юксак даражага кўтаришга, камомадни тугатиш, иккиламчи ресурсларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш тадбирларига, саноат ҳамда савдо ташкилотларининг фаолиятини аниқ ва пухта мувофиқлаштириб олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Область корхоналарида беш йиллик бошидан буён 8,6 миллиард сўмлик, яъни планда белгиланганидан 220 миллион сўмликдан кўп истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилди. Иш ҳақи фондининг 1 сўмига ҳисоблаганда бу молларни ишлаб чиқариш 1 сўм 38 тийинга тўғри келади.

Шу билан бирга бизда аҳолининг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳали кўп камчиликлар ва фойдаланилмаётган резервлар борлигини ҳам биламиз. Областдаги бир қатор корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаётир. Айрим жойларда маҳсулот етказиб бериш планлари ва шартномавий мажбуриятлар ўз вақтида ва тўла ҳажмда бажарилмаётир, моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш режимига қаттиқ риоя қилинмаётир, қўл меҳнатини қисқартириш суст бормоқда.

Давлат, план ва меҳнат интизоми бузилаётганлиги, ташкилотчилик ишидаги жиддий нуқсонлар, топширилган иш участкаси учун кадрларга нисбатан талабчанлик сусайиб кетганлиги ана шундай нуқсонларнинг рўй беришига асосий сабаб бўлди. Кўп раҳбарларимиз ўз ишларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талабларига мувофиқ ҳали қайта қурган эмас. Бу соҳада маҳаллий Советларнинг, халқ контроли группаларининг имкониятларидан ҳам ҳали тўлиқ фойдаланилмаётир.

Беш йилликнинг якунловчи йилида халқ депутатлари Советлари ва меҳнат коллективлари олдида масъулиятли вазифалар турибди. Планда 4 миллиард сўмликдан зиёд истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Мавжуд камчиликларни тугатиш ва товар обороти план топшириқларини сўзсиз бажариш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида кўп иш қилиш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленумининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети шу сессиясининг материаллари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига раҳбарликни яхшилашнинг конкрет программасидир. Биз ўзимизнинг ташкилотчилик ва сиёсий ишимизни, барча меҳнат коллективларининг куч-ғайратини бундан буён ҳам ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун кунт билан сафарбар этамиз.

Депутат О. А. ҚОДИРОВА нутқи

АНДИЖОН ШАҲАР САНОАТ МОЛЛАРИ САВДО ИДОРАСИ 19-МАГАЗИНИНИНГ СОТУВЧИСИ

Жонажон ленинчи партия билан Совет ҳукумати халқ фаровонлигини ошириш ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқдалар. Совет кишиларининг турмуш даражаси кун сайин яхшиланмоқда, уларнинг кенг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжлари ҳам ошмоқда. Бироқ ҳозир харидор биз таклиф қиладиган молларнинг ҳаммасини ҳам сотиб олавермайди. Энди у чиройли, замонавий модадаги, юқори сифатли ва айни вақтда нархи арзонроқ молларни талаб қилмоқда. Аммо, магазинларда бундай моллар ҳали ҳам кам. Республикада ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмол молларининг турлари унчалик кўп эмас. Савдо ходимлари бир қанча молларни бошқа республикалардан қидириб топиб, Ўзбекистонга ташиб келтиришга мажбур бўлмоқдалар.

Вужудга келган аҳвол учун биз, савдо ходимларининг ҳам айбимиз бор. Бизга қадар тузилган шартномаларнинг бажарилиши учун корхоналарнинг масъулиятини шу пайтга қадар ошира олганимиз йўқ. Бундан ташқари, меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини қондиришдан кўра ўзларининг ғаразли мақсадлари ҳақида кўпроқ ўйлаётган, совет савдоси қоидаларини бузаётган айрим савдо ходимлари бор. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин совет турмуш тарзига зид фактларга қарши кураш кескин кучайтирилди.

Биз савдо хизмати маданиятини ошириш учун куч-ғайрат сарфлаяпмиз. Бироқ аҳолининг кенг истеъмол молларига ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш савдо ходимларининггина вазифаси эмас. Биз саноатимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларнигина харидорга сотамиз. Харидорларнинг норозилигини ҳам биринчи бўлиб эшитамиз. Саноат ходимлари эса бу норозиликдан кўпинча хабарлари ҳам бўлмайди.

Товарларнинг хиллари ҳали ҳам унчалик кўп эмас, харидорларга манзур бўлмайдиган молларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва талаб қилинаётган молларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш проблемасини ҳал этиш чўзилиб кетди. Бир мисол келтираман: кейинги йилларда Андижон мебель фабрикаси маҳсулотининг турлари деярли ўзгармади. Андижон нон комбинати 10-15 йил муқаддам кондитер маҳсулотларининг 20 турини ишлаб чиқарар эди, ҳозир эса атиги 4-5 турини ишлаб чиқармоқда.

Кенг истеъмол молларининг сифати ҳақида гапирадиган бўлсак, бу соҳада ҳали ҳал этилмаган муаммолар кўп. Мебель, пойабзал, тўқимачилик ва трикотаж фабрикаларининг, Самарқанд холодильник заводининг раҳбарлари ҳали ҳам ўзлари учун тегишли хулосалар чиқариб олмаганга ўхшайдилар. Бу корхоналарга раҳбарлик қиладиган министрликлар маҳсулот сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш чораларини кўрмаяптилар. Натижада қимматбаҳо хом ашё беҳуда исроф бўлмоқда, сифатсиз молларни саноат корхоналарига қайтариб олиб бориш учун эса кўпдан-кўп транспорт воситалари овора бўлмоқда.

Яна бир мисол. Кейинги вақтларда савдо-сотиқ корхоналарида аёллар кўпаймоқда. Аммо системамизда қўл меҳнатининг улуши ҳали ҳам кўп. Сотиладиган маҳсулотларни ўраб бериш учун чиройли, замонавий, кўркам материаллар етишмайди. Саноат молларини ташишни илғор — контейнер усулига ўтказиш масаласи ҳам ҳал этилмаяпти.

Саноат корхоналари ўз маҳсулотини пропаганда қилиш ва аҳолининг талабини ўрганиш мақсадида лоақал область марказларида ихтисослаштирилган магазинларни очиши лозим эди. Тегишли министрликлар ва идоралар, корхоналарнинг раҳбарлари бу муаммоларни қисқа муддатда ҳал қилиш учун ҳамма чораларни кўрадилар, деб ўйлаймиз.

Депутат А. А. ПЕТРОВ нутқи

СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМИДАГИ НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИНГ ДИРЕКТОРИ

Бизнинг корхонамиз халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришга 1982 йилда киришди. Ўшанда биз атиги тўрт турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарган эдик. Икки йил мобайнида бундай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баравар кўпайди. Комбинатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг XII беш йилликка мўлжалланган режаларида халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни 3,5 баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Корхонамиз ихтиёрида катта техникавий имкониятлар бор, шу сабабли у тобора мураккаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлидан бормоқда: 20 литр сиғимли алюмин канистрлар тайёрлаш ўзлаштирилди, 1985 йилда «Малютка» типидаги ихчам кир ювиш машиналарини ва кўплаб талаб қилинаётган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга киришиш мўлжалланмоқда.

Афсуски, савдо ташкилотлари активлик ва манфаатдорлик кўрсатмаяптилар. Республиканинг планлаштирувчи ташкилотлари, Савдо министрлиги халқ истеъмол қиладиган молларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга оладиган, зарур техникавий ҳужжатларни, маҳсулотларнинг турларини ишлаб чиқадиган ҳамда уни тайёрлайдиган заводни белгилайдиган мувофиқлаштирувчи марказ тузишлари зарур, деб ўйлаймиз.

Республикада қурилиш индустрияси маҳсулотларини реализация қилиш масалалари ҳам ҳал этилмаган. Қум, майда шағал сингари материалларнинг нархи белгиланмаган. Натижада одамлар буларни хусусий кишилардан сотиб олмоқдалар. Бу материалларни ўз автотранспортидан фойдаланиб реализация қилишни уюштиришни таклиф этамиз.

Комбинат корхоналарида ёрдамчи хўжаликлар ривожлантирилди. Нутрия фермаси ташкил этилди, у меҳнаткашларни парҳез гўшт билан таъминлайди, нутрия терисидан эса телпак тикадиган цех ташкил этишга қарор қилинди. Аммо биз Ўзбекистон ССР Савдо министрлигига, область матлубот союзига — қаерга мурожаат этмайлик, бу гўштнинг чакана нархини аниқлай олмадик. Нутрия мўйнасидан тикилган телпакнинг модели ва чакана нархини тасдиқлашни ҳеч ким хоҳламаяпти. Техникавий топшириқлар, бошқа ҳужжатлар йўқлигини баҳона қилмоқдалар.

Саноат корхоналарининг ҳуқуқларини кенгайтириш зарур, меҳнаткашларнинг талабларини тезроқ қондириш мақсадини кўзловчи ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим. Бу молларни ишлаб чиқариш шундай ташкил қилинсинки, одамлар уларни хусусий кишилардан эмас, балки давлат магазинларидан сотиб оладиган бўлсинлар.

Планлар саноат корхоналарининг таклифларига қараб «мослаштирилиши» ёки тузатилиши керак эмас. Аксинча, планлар пухта ўйлаб тузилган рағбатлантириш системаси саноатни ва савдо корхоналарини ишни реал равишда яхшилаш йўлларини қидиришга, аҳоли талаб қилмайдиган маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олиб ташлашга, молларнинг сифатини оширишга, маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга ундайдиган бўлиши керак.

Депутат Қ. Ҳ. МАҲАМАДАЛИЕВ

НУТҚИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ ВА ЁҒОЧСОЗЛИК САНОАТИ МИНИСТРИ

Мебелчилар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулот меҳнат қилиш ва дам олиш учун имкони борича кўпроқ қулайлик яратиши, одамларнинг кайфиятини кўтариши лозимлигини тушунадилар. Бироқ, афсуски, ҳозирча биз бу вазифани тўла-тўкис уддалай олмаяпмиз. Мебель саноати 1984 йилнинг якунлари юзасидан республика меҳнаткашларидан қарздор бўлиб қолди. Моддий-техникавий таъминотдаги камчиликлар ҳам, бошқа важлар ҳам буни оқлай олмайди. Ҳозир топширилган иш соҳаси учун барча бўғин раҳбарларининг масъулиятини ошириш юзасидан зарур тадбирлар ишлаб чиқилди, мавжуд камчиликларни тугатиш йўллари белгиланди.

Янгийўл мебель фабрикасида мамлакатимиздаги ва чет эллардаги энг яхши намуналардан қолишмайдиган қулай ва юмшоқ мебель элементларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Сиртқи қопламалар етказиб бериш юзасидан Болтиқ бўйи республикалари билан шартнома тузилди. Бутуниттифоқ мебель лойиҳа-конструкторлик ва технология институти билан илмий-техникавий ҳамдўстлик тўғрисида шартнома имзоланди.

Мебель саноати олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун корхоналарни ихтисослаштиришни янада ривожлантириш, уларни кооперациялаш, имкони борича камроқ операциялар қўлда бажарилишини кўзлаб, технология жараёнларини автоматлаштиришга ўтиш лозим.

Кенг истеъмол қилинадиган молларни, совғабоп буюмларни чиқитлардан ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Маҳаллий хом ашёдан ва ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланиб, ёғоч қириндисидан тахта ишлаб чиқарадиган завод қуриш белгиланди.

Талабнинг ўзгаришига мувофиқ жавоб берадиган бўлиш ва ишлаб чиқаришни зарур турдаги мебелларни тайёрлашга ҳозирлаш мақсадида камида йилига икки марта улгуржи ярмаркалар ўтказишни ташкил қилиш зарур.

Ўзбекистон ССР мебель саноати корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитети 1985 йил март Пленумининг қарорларига амал қилиб, план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун ҳамма чораларни кўрадилар, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб оладилар, деб республика Олий Совети билан ҳукуматига ваъда берамиз.

Депутат Д. А. АҲРОРОВ нутқи

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Совети КПСС XXVI съездининг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан белгилаб берган кенг программасини бажара бориб, шундай молларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаолиятига чуқур эътибор бера бошлади, бу молларнинг сифатини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Бу масалалар ва бошқа масалалар сессияларда, ижроия комитетлари ва доимий комиссияларнинг мажлисларида тез-тез муҳокама қилинмоқда.

Ижроия комитет Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг талабларига амал қилиб, хўжалик раҳбарларининг иш услуби ва методларини такомиллаштиришга эришмоқда.

Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш анча ортди. Трикотаж фабрикаси, 8 Март номли бирлашма, чинни заводи ва бошқа корхоналарнинг маҳсулоти аҳолига жуда манзур бўлмоқда.

Келгуси беш йилликда маҳсулот ҳажмини бир ярим баравар кўпайтириш вазифаси қўйилган. Маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта таъминлаш, социал-маданий ва маиший хизмат масалаларини комплекс ҳал этиш асосида бунга эришилади. Шу масъулиятли ва мураккаб программани амалга ошириш ишдаги барча камчилик ва нуқсонларни бартараф қилишга боғлиқдир. Айрим корхона ва ташкилотларнинг план топшириқларини бажармаётганлигига, аҳоли талаб этмайдиган брак маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлигига ҳали чек қўйилган эмас.

Умуман шаҳар миқёсида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планлари бажарилгани ҳолда 7 корхона беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини бажармади ва жами 42 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб бермади.

Шаҳар ва район план комиссиялари қолоқ корхоналардаги ишлар қандай аҳволда эканлигини чуқур ўрганмаётирлар, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш соҳасида амалий ёрдам бермаётирлар, маҳсулотнинг хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш соҳасида суст ғамхўрлик қилмоқдалар.

Биз маҳаллий саноат, енгил ва озиқ-овқат саноати, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб берувчи саноат корхоналарининг моддий-техника базасини анча мустаҳкамлашимиз, қўл меҳнатини камайтиришимиз, ишчиларни тайёрлаш сифатини яхшилашимиз, инженер-техник кадрларнинг иш самарадорлигини кўпайтириб, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлашимиз лозим.

Биз корхоналарнинг талаб ва эҳтиёжларига эътибор билан қарашни, уларга тез амалий ёрдам кўрсатишни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган министрликлар ҳамда идоралардан илтимос қиламиз.

Депутат А. И. БАРУЛИН нутқи

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕКРЕТАРИ

«Программамизга ёзиб қўйилган «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган қоида тобора чуқур ва аниқ равшан мазмун билан тўлдирилиши керак», деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март Пленумида. Бу вазифани ҳал этиш учун халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш лозим.

Кейинги йилларда Фарғона областида халқ учун моллар ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг қуввати анча ортди. Бу молларнинг турлари доимо янгиланмоқда ва кўпайтирилмоқда. Бу муҳим ишга оғир индустрия корхоналари актив жалб қилинмоқда. Меҳнат коллективларининг фаолияти аҳоли кўплаб талаб қилаётган молларни ишлаб чиқаришга қаратилмоқда. Район марказларида, бошқа аҳоли пунктларида тўқимачилик ва пайпоқтўқув комбинатлари, консерва заводлари, пойабзал фабрикалари ишга туширилди.

Аммо аҳолининг эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилмаяпти, маҳсулотларнинг сифати ҳам кўнгилдагидек эмас. Маҳсулотнинг белгиланган турларини ишлаб чиқариш плани муттасил бажарилмай келмоқда. Бултур айрим турдаги буюмларни ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмади, ун, спиртсиз ичимликлар, минерал сув етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятлари барбод қилинди. Шу йилнинг икки ойида 26 та корхона планни бажармади. Улар 5,2 миллион сўмлик маҳсулотни кам берди. Фарғона ёғ-мой ва тўқимачилик комбинатлари, нон маҳсулотлари комбинати, Марғилон ипак комбинати, «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ёзёвон рўзғор пахтаси фабрикаси анча орқада қолди. Бундан ташқари ўнта корхона оммавий равишда талаб қилинадиган молларни ишлаб чиқаришга ҳали киришгани йўқ.

Хўш, маҳсулотларнинг турлари қай аҳволда? Бу соҳада ҳам бир қанча камчиликлар бор. Шу пайтгача биз белкурак, замбилғалтак, сабзи тахта, кетмон ва ҳокандоз сингари оддий нарсаларни ҳам бошқа областлардан ва республикалардан келтиряпмиз. Ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланиб мана шу ва бошқа маҳсулотларни тайёрлашни ҳар қайси жойнинг ўзида бемалол ташкил қилиш ва аҳолини шу нарсалар билан тўла-тўкис таъминлаш мумкин.

Янги кўрсаткич — иш ҳақи фондининг ҳар сўми ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичи аҳоли учун керакли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда муҳим омил бўлиб қолди. Умуман областда иш ҳақи фондининг бир сўми ҳисобига бир сўм саксон тийинлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Аммо бу кўрсаткич хотиржамликка берилиш учун асос бўла олмайди.

Халқ учун моллар ишлаб чиқариш — ҳамманинг вазифасидир, шу сабабли аҳволни яхшиланиш томонига ўзгартириш, истеъмолчиларнинг маҳсулот турларига ва сифатига бўлган ва ошиб бораётган талабини қондириш вазифасини фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланаётган корхоналардагина ҳал этиш мумкин.

Пойабзалнинг сифатини ошириш чамаси, барча областлар учун ҳам энг зарур масалалардан биридир. Пойабзалчилар бу соҳада иш олиб бормоқдалар. Айни вақтда уларни сифатлироқ хом ашё ва материаллар билан таъминлашни яхшилаш, маҳсулот етказиб беришда узилиш бўлишига йўл қўймаслик керак.

Республика Госплани, бизнингча, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилишни планлаштириш қандай бораётганлиги, уларни ишлаб чиқаришнинг хом ашё ва материаллар етказиб бериш билан балансли бўлиши устидан янада қаттиқроқ контроллик қилиши керак.

Депутат Қ. САПАЕВ нутқи

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг бугунги сессияси муҳокамасига қўйилган масала партиямиз билан ҳукуматимизнинг халқ фаровонлигини муттасил ошириш тўғрисидаги доимий ғамхўрлигини кўрсатувчи яна бир ёрқин далилдир.

Кейинги йилларда Хоразм областида халқ учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди. 30 тадан кўпроқ саноат корхонаси, филиал ва цех ишга туширилди. Булар орасида Ҳазорасп тикув ва Боғот тўқув фабрикалари бор.

Шу билан бирга областда халққа зарур моллар ишлаб чиқарадиган тармоқларни янада юксалтириш учун мавжуд бўлган ҳамма имконият ва резервлардан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Бир қанча шаҳар ва районлар, бирлашмалар, корхона ва ташкилотлар белгиланган топшириқларни уддалай олмаяптилар, кўпларида асосий фондлардан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Областнинг 6 та саноат корхонаси ва 20 та колхози халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланмаяпти.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш иши ҳам кўнгилдагидек эмас. Технология ва стандарт талаблари қўпол равишда бузилганлиги натижасида бултур 171 минг сўмлик маҳсулот брак қилинди.

Кадрлар билан ишлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Баъзи раҳбар ходимлар ва мутахассислар ҳамон ўз ишини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талабларига мувофиқ қайта қурганлари йўқ, тузукроқ ташаббускорлик ва принципиаллик кўрсатмаяптилар.

Областнинг маҳаллий Советлари топширилган иш учун, ҳар бир иш жойида ишлаб чиқариш интизомига узлуксиз риоя этилиши учун кадрларнинг масъулиятини ошириш соҳасида ҳамма зарур чораларни кўрадилар. Давлат, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга асосий эътибор берилади.

Халқ учун моллар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларнинг ҳал этилиши республика министрликлари ва идораларига ҳам боғлиқ. Жумладан, Енгил саноат министрлиги Хива гилам комбинатини химиявий тола билан таъминлашда зарур ёрдам бериши керак. Савдо ташкилотлари билан мол етказиб бериш тўғрисида тузилган шартномани бажариш учун 600 тонна химиявий тола зарур. Ҳолбуки, 140 тонна фонд ажратилган, йил бошидан бери эса корхонага атиги 20 тонна химиявий тола юборилди.

Область шаҳарларида ва район марказларида кейинги йилларда аҳоли тез кўпаймоқда. Аммо бу жойларда завод ва фабрикаларнинг филиаллари, цехлари жуда сусткашлик билан ишга туширилмоқда. Биз республика Госпланидан ва тегишли министрликлардан мана шундай филиал ва цехларни кўпайтиришни, уларни тезроқ ишга туширишни сўраймиз.

Депутат О. У. ЖУМАНИЁЗОВА

НУТҚИ

ХЎЖАЙЛИДАГИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ФАБРИКАСИНИНГ ТЎҚУВЧИСИ

Хўжайли райони халқ хўжалигининг барча тармоқларида ўтган йил давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, коллективларда ва ҳар бир иш жойида уюшқоқлик ҳамда масъулиятни ошириш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини бажариш шиори остида ўтди.

Районда саноат ишлаб чиқариши ҳажми биринчи марта 170 миллион сўмликдан ошиб кетди, пландан ташқари 8,4 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди.

Райондаги қурилишларда тартиб ўрнатиш соҳасида муайян тадбирлар амалга оширилди, савдо-сотиқ, транспорт ва алоқа ташкилотларидаги камчиликларни йўқотиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Бизнинг районимиз ва Хўжайли шаҳри йил сайин ўз қиёфасини ўзгартирмоқда: саноат корхоналари қурилмоқда, янги уйлар, маданий-маиший объектлар қад кўтармоқда, меҳнаткашларнинг уй-жой шароитлари яхшиланмоқда. Кейинги икки йил ичида Хўжайли шаҳрида 3 минг номерли автомат телефон станцияси, 600 ўринли кинотеатр, 40 квартирали уй-жой ва 240 ўринли болалар боғчаси, йигирув фабрикаси, 650 ўринли мактаб, педагогика билим юртининг ўқув корпуси ишга туширилди. 1176 ўринли мактаблар, универмаг, ҳаммом-кир ювиш комбинати ва бошқа объектлар қурилиши давом эттирилмоқда.

Мен ишлаб турган Хўжайли халқ истеъмоли моллари фабрикасининг коллективи ўтган йили халқ хўжалик планини бажаришда яхши натижаларга эришди.

Барча цех ва бригадаларда Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини, КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг авж олди. Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг хиллари кўпайтирилмоқда.

Район меҳнаткашлари номидан Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигига мурожаат қилиб, фабрика ходимлари учун 32 квартирали уй-жой, 140 ўринли болалар боғчаси қурилишини тезлаштиришда, тола цехини реконструкция қилишда ёрдам беришни сўраймиз.

Депутат Л. В. САМОЙЛОВА

НУТҚИ

НАМАНГАНДАГИ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ МАСТЕРИ

Барча совет кишилари каби Наманган областининг меҳнаткашлари ҳам ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини, КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун зўр ғайрат билан курашмоқдалар.

Мен аҳоли учун мол ишлаб чиқарувчи корхонада меҳнат қилмоқдаман. Бизда эркаклар ва болаларнинг, хотин-қизларнинг кўйлаклари тайёрланади. Булар аҳоли кўп талаб қиладиган моллардандир.

Мен раҳбарлик қилаётган коллектив бирлашмада биринчи бўлиб меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасига ўтди. Бизда механизациялаштирилган комплекс поток жорий этилди, янги технология машина-ускуналари ўзлаштирилди. Ишчи аёлларнинг кўпчилиги йиллик топшириқларни ошириб бажармоқда, бригаданинг ҳар бир аъзоси, корхонамизнинг барча меҳнаткашлари хом ашё ва материалларни тежаш соҳасида ўз марраларини белгилаб олдилар. Биз йилига икки кун тежалган хом ашё ҳисобига ишлаш ва шу йўл билан бутун бирлашмада эркаклар ва болаларнинг 47 минг кўйлагини тайёрлаш мажбуриятини олдик.

Наманган шаҳри ва умуман областдаги партия ва совет органлари кейинги йилларда халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш ва уларнинг сифатини яхшилаш соҳасида бир қатор тадбирларни амалга оширдилар. Аҳоли учун мол ишлаб чиқариш 1980 йилдагига нисбатан 44,2 процент ортди. Аммо шундай бўлса ҳам меҳнаткашлар маҳсулотнинг сифати тўғрисида кўпинча эътироз билдирмоқдалар, кундалик эҳтиёж учун керакли моллар магазинларда етишмаяпти.

Савдо ташкилотларининг раҳбарлари саноат корхоналари билан биргаликда аҳолининг талаб-эҳтиёжларини кўпроқ ўрганишлари, замонавий машина-ускуналарни, прогрессив технологияни, илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга дадил жорий этишлари керак.

Областимизда пойабзал фабрикаси бор. Корхона ходимлари ҳалол меҳнат қилмоқдалар. Аммо улар ишлаб чиқарган маҳсулот магазинларнинг пештахтасида кўп миқдорда уйилиб ётибди. Хом ашё етказиб берувчилар ўз бурчларини бажармаётирлар. Шу йилнинг икки ойи мобайнидагина пойабзал тагига ишлатиладиган материалларнинг 30 проценти паст сифатли бўлганлиги учун Фарғона кўн заводига қайтариб юборилди.

Намангандаги шойи газлама комбинати бир неча йилдан буён газламани пардозлаш учун зарур бўлган бўёқ ва бошқа материалларни ололмаяпти. Бунинг натижасида оч рангдаги газламалар ишлаб чиқарилмоқда. Биз ана шу газламалардан тайёрлаётган кўйлаклар харидорларнинг талабини қондирмаётир.

Бизнинг областимизда етарли миқдорда меҳнат ресурслари бор. Наманган шаҳрида ўн мингдан ортиқ кишини, асосан хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш имкониятлари мавжуд. Биз область марказидаги КПСС XXV съезди номли аврли газламалар комбинати ҳузурида шойи тўқиш фабрикаси қурилишини жадаллаштириш тўғрисидаги масалани тезроқ ҳал этишни Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигидан сўраймиз.

ТАСС баёноти

Кейинги вақтларда Жанубий Африка Республикасидан ғайриинсоний апартеид системасига қарши норозилик билдираётган Африка посёлкалари аҳолиси жазоланаётганлиги тўғрисида ҳар куни хабарлар келиб турибди. Армия бўлинмалари, махсус полиция ва хавфсизлик хизмати кучлари қуролсиз намойишчиларга қарши ташланмоқда. Ҳатто ирқчи маъмурларнинг расмий маълумотларига қараганда ҳам африкаликлардан ўнлаб киши ўлдирилган ва юзлаб киши ярадор қилинган. Оммавий демократик ташкилотларнинг раҳбарлари «Давлатга хиёнат қилди» деган сохта айб билан қамоққа олинган.

ЖАРда рўй бераётган воқеалар апартеид системасининг чуқур кризисидан далолат бериб турибди. Претория кўз-кўз қилиб мақтаган «конституцион ислоҳотлар» шу мамлакат жуда кўпчилик аҳолисининг қисматини енгиллаштиришга олиб келмади ва олиб келиши ҳам мумкин эмас эди. Апартеид системасининг халқ оммаси туб манфаатларига зид бўлган моҳияти ўзгармай қолмоқда.

Халқаро ҳамжамият томонидан қораланган ЖАРнинг ирқчи режими Африкадаги мустақил мамлакатларга нисбатан ўзининг давлат терроризми сиёсатидан ҳам воз кечгани йўқ. Шу режим тузган ва қуроллантирган газандалар Ангола ва Мозамбик диёрида ҳамон бедодлик қилмоқдалар, бошқа «фронт ёқаси» давлатларига қўпол тазйиқ қилинмоқда. Претория Намибияга дарҳол ва ҳеч сўзсиз мустақиллик бериш тўғрисида БМТнинг, бошқа халқаро анжуманларнинг қарорларига бўйсунишдан ҳануз бош тортиб келмоқда.

Жанубий Африка ирқчиларининг шу ҳаракатлари учун империалист доиралар, аввало АҚШ тўла-тўкис жавобгардирлар, улар ЖАР режими билан актив ҳамкорликни давом эттириб, шу тариқа уни апартеид ва агрессия сиёсатини давом эттиришга рағбатлантирмоқдалар. Бу сиёсат эса ер юзидаги барча софдил кишиларни ҳақли равишда қаттиқ ғазаблантирмоқда, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳлика солмоқда.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг 1985 йил 12 мартда бир овоздан қабул қилинган резолюциясида Претория ҳукуматини туб жой аҳолига қарши ва апартеиднинг бошқа душманларига қарши жабр-зулм ва бедодликни тўхтатишга ҳамда апартеидни тугатиш мақсадида зудлик билан чоралар кўришга қаттиқ даъват этди.

ТАСС қуйидагиларни билдиришга вакил қилинган: Совет Иттифоқи Хавфсизлик Кенгашининг халқаро ҳамжамият барча аъзолари учун мажбурий бўлган шу ва бошқа резолюцияларини бекаму-кўст бажарилишини кутади. Эрксевар халқлар фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган ҳозирги пайтда инсонга нафрат билан қарашдан иборат шу идеология кучайишига, айниқса, тоқат қилиб бўлмайди.

Совет Иттифоқи барча давлатларни ЖАР ирқчи режимининг ёвузликлари пайини қирқиш учун кескин чоралар кўришга чақиради. Бу режимга нисбатан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ самарали чоралар кўриш пайти аллақачон келган.

Синдор ҲАМРОҚУЛОВ



Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер, халқ депутатлари Самарқанд область Совети ижроия комитетининг собиқ раиси Синдор Ҳамроқулов оғир касалликдан сўнг 31 мартда 63 ёшида вафот этди.

С. Ҳамроқулов 1922 йилда Жиззах районида туғилди. У меҳнат фаолиятини 1940 йилда мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. 1942 йилда яралангач, армия сафидан қайтди. Халқ маорифи системасида ишлашни давом эттирди. 1946 йилда Жиззах район комсомол комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

У 1949 йилдан бошлаб совет ва партия ишида бўлди. Халқ депутатлари Жиззах шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг раислигига, Самарқанд областидаги бир қатор район партия комитетларининг иккинчи, биринчи секретарлигига сайланди. 1964 йилдан бошлаб Самарқанд область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, 1968 йилдан эса ижроия комитет раиси лавозимларида ишлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат ва Марказий Комитет аъзоси, бир неча чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати қилиб сайланди. СССРнинг кўпгина орден ва медаллари билан тақдирланди. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлди.

Синдор Ҳамроқуловнинг хотираси қалбларимизда узоқ вақт сақланади.

БИР ГРУППА УРТОҚЛАРИ.

ОБ-ҲАВО

Шу кеча-кундузда ҳавонинг ўзгариб туриши кутилади. Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси тоғли районларда ва Фарғона водийсининг айрим ерларида бир оз ёмғир ёғади. Шарқдан секундига 7—12 метр тезликда шамол эсади. Қорақалпоғистон АССРда кечаси 1—6, кундузи 13—18, қолган жойларда кечаси 5—10, айрим ерларда 13, кундузи 18—23 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлмайди.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси, СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Назир САФАРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Р. — 11161. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. — 78. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12